



ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ЮКСАЛТИРИШДА АМИР ТЕМУР МЕРОСИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Жўлмуродов Ойбек

ЖДПУ стажёр ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7337663>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

Шахс, дунёқараш, қадрият, ижтимоий-тарихий тараққиёт, замонавий илм-фан, техника-технология, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, меҳр-оқибат, сабр-қаноат.

ABSTRACT

Мазкур мақолада шахс шаклланиши ва илмий дунёқарашларини Амур Темур мероси одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳақида қарашларидан фойдаланиш ёшларимизга ақлий тарбия беришда мустаҳкам асос сифатида шакллантириш масалалари ёритилган.

Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш ўша жамиятда фаолият кўрсатувчи кишиларнинг интеллектуал салоҳияти: маънавияти ва маърифати, маданияти ва санъати, илм-фани ва таълим-тарбияси тўғрисидаги билим (тушунча)ларнинг нечоғлик илмий асосланганлиги, тўғри назарий ва амалий негизлар асосида шакланганлигига боғлиқ. Шу сабабли ҳам баркамол авлод илмий дунёқарашини жаҳон таълими талабларига мос қилиб шакллантириш ўта муҳим муаммодир.

Ўзбекистонимиз ўз истиқлолига эришганлиги туфайли халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқа бошлади. Эндиги вазифа илмий дунёқарашини кенг бўлган баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун маънавий ва илмий қадриятларимизни ҳозирги авлоднинг кўнгил мулкига айлантirmoғимиз

лозим, яъни аждодларимиздан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой илмий меросимиз, анъана ва тажрибаларимизни ўрганиш жуда муҳим ва ўринли. Бу борада бой ўтиш маънавий меросимиз мавжуд. Бунда умумбашарий қадриятга эга бўлган улуғ бобокалонларимиздан Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аббос ал-Жавҳарий, Ат-Термизий, Ал-Мотрудий, Аз-Замахшарий, Ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Маҳмуди Аъзам, Нажмиддин Кубро, Саккокий, Суфи Оллаёр Хожа Ахрори Вали, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалардан қолган бой миллий меросимизни комил инсон тарбиясида ибрат-намуна сифатида фойдаланмоқ имконияти бор.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларимиз



натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма-кетлик одам-шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. «Дастлаб индивид дунёни ҳиссий сезади (дунёни ҳис қилиш). Бунда индивид воқеликни бевосита ҳиссий инъикос этиш натижасида англайди. Кейин воқелик ҳақида тўпланган билимлар асосида индивидуал дунёқараш пайдо бўлади. Бу дунёни англаш дейилади. Шахснинг дунёни англаши орқали унинг ўзини англаши ҳам шаклланиб бораверади. Шу тариқа дунё ҳақидаги барча билимлар юксак даражада умумлаштирилади ва яхлит дунёқараш ҳосил бўлади» [39].

Умуман олганда, қадриятлар ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули, объект-субъект муносабати натижасида юзага чиқадиган ҳодисалар мажмуасидан иборат бўлиб, қадрият тушунчаси кишиларнинг турли соҳадаги турмуш зарурати асосида аввало ишлаб чиқариш, турли меҳнат йўналишлари соҳаларидаги фаолият учун фойда келтирадиган нарса, ҳодисалар мажмуаси билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши билан нисбатан мустақил соҳа сифатида амал қила бошлайди.

Шахс илмий дунёқарашини кенгайтиришда илмий қадриятларнинг роли беқиёс. Жамиятимиз тараққиётига мос таълим-тарбия соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлмоқда, моддий ва маънавий қадриятларимизнинг янги-янги қирраларини ўрганиш имкониятлари туғилмоқда. Бугунги кунда миллий ва умуминсоний қадриятларни синчиклаб, мукамал ўрганиш, замонавий илм-фан, техника-технологиялар борасидаги ютуқларни ўрганиш ва таҳлил қилиш талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда мустаҳкам илмий асос бўлмоқда.

Буюк бобокалонларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий мерослар барча даврлар учун керакли бўладиган ўғитлар борки, улар ҳозирги давримиз учун ҳам аҳамиятлидир. Демак, бугунги куннинг талаби таълим масканларини «олтин мерос» билан тўлдиришдан иборатдир. «Олтин мерос» билан «тўлдириш» учун эса ўтмишимиздан жуда кўплаб бой илмий-маънавий меросларимизни келтиришимиз мумкин. Булар «Авесто» муқаддас китоби орқали баён этилган Зардуштийлар таълимоти, «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси Шариф»ларга асосланган Ислом таълимоти, биринчи ва иккинчи уйғониш давридаги алломалар таълимотлари, Амир Темур ва Темурийлар даври алломалари ҳаёти, фаолияти ва асарлари асосидаги маълумотлардир.

Инсоний муносабатлар шундай жараёнки, унда инсонлар ўзаро мулоқатда бўлгани сари улар ўртасидаги ўхшашлик, умумийлик, уйғунлик каби сифатлар пайдо бўла бошлайди. Бундай сифатларнинг айримлари ўтмишимиздаги таълим-



тарбия жараёнларида ҳам бўлган ва улар буюк олимлар, алломаларнинг рисола, ўғит ва насихатларида эсдалик сифатида бизгача етиб келган. Жумладан, «Авесто», «Қурони Карим», «Ҳадиси Шариф», «Қобуснома», «Сиёсатнома», «Темур тузуклари», «Бобурнома», «Хумоюннома», «Хукмдорга ўғитлар», «Саодатга элтувчи билим», «Маънавият юлдузлари», «Улуғбек хазинаси», «Зафарнома», «Фозил одамлар шахри», «Ҳамса» ва шу кабилар.

Умуминсоний қадриятлар: «Одамзоднинг яшаши, умргузаронлиги, фарзандлари ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва ахлоқий соҳаларига тааллуқли бўлган умумжамиат миқёсидаги қадриятлар бутун инсоният ва жамиятга тегишли бўлганидан, умуминсоний қадриятлар, деб аталади» [22].

Миллий қадриятларимизни ўрганиш, таҳлил қилиш жамият тараққиёти учун жамиятда яшаётган инсонлар, улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, яъни ақл билан иш кўришда катта аҳамият касб этади. Бу борада, айниқса Амир Темур бобомиз – буюк саркарда – у адолатни куч билан, кучни эса адолат билан уйғунлаштирди, унинг тамғасидаги нақшда «Рости-русти» деган битик борлиги, унинг маъноси эса «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» каби кўрсатмали ўғитларнинг, шунингдек, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ўғитлари ўрта асрдаги энг ноёб рисола бўлиб, у рисоладаги панд-насихатлар замондошларининг диққатини жалб этган. Улар бугунги кунда ҳам ёшларимизга одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳақида дарс бериш

жараёнларида ёшларимизга ақлий тарбия беришда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз бутун умри от устида ўтди, ур-сурлару курашларда ўтди. У уруш давомида яхшилик, эзгуликдан чекинмади, мардларни улуғлади, хоинларни ва золимларни кечирмади, улусга зулм қилувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолади, Ватан хоинларидан нафратланади. Ўткир нигоҳи ва теран ақли орқали у «узоқ»ни кўра билди, келажак ҳақида ўзининг мустақил, ишончли ва мукамал фикрига эга бўлди.

Давлатимиз мустақилликка эришган ушбу кунларда улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг бой меросини ёш авлод онги ва қалбига сингдириш орқали уларнинг маънавий-илмий дунёқарашини кенгайтиришимизга шубҳа йўқ. Айниқса, «Темур тузуклари» (ёки «Амир Темур ўғитлари») рисоласида мадҳ этилган халқлар дўстлиги, тинч-тотув яшаш учун кураш, буюк бунёдкорлик ишлари, пирларини ва устозларини ҳурмат қилишлик, очиқ кўнгиллилик, саҳоватпешалик, бечораларга ёрдам кўлини чўзиш каби фазилатлар ҳамиша унинг асарини ўқиган кишига тетик руҳ ва қувват бахш этади. Умуман олганда, Амир Темурнинг ўзи шахс сифатида ақлда, одобда, ахлоқда, иймонда, эътиқодда, давлат бошқаришда, инсонларга муносабатда, буюк марказлашган давлат қуришда ва ҳоказо шу кабиларда юксакликка ҳамда мукамалликка етишган сиймодир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, панд-насихатларни, шунингдек, Соҳибқирон



ҳақидаги тарихий асарларни ўқиш, ўрганиш кифоя.

«Тузукий Темурийлар», унинг ушбу тузукларида ўзи амал қилган ўн бир сифатни ёшларимиз онги ва қалбига сингдирсак, шунинг ўзи таълим-тарбия соҳасидаги ғояларни ёшларимизни тарбиялашда тадбиркор бўлишдан одамлар билан маслаҳатлашиб, нозик ва тарбия кўрган ақлли кишилар билан бирга келишиб, эътиқодли, иймонли қилиб тарбиялашда эътиборни кучайтурсак фойдадан холи бўлмайди.

Амир Темур ўзининг ўн бир сифатига ва давлат бошқарувида ўн икки нарсага умр бўйи риоя қилган. Шу туфайли эл хурматига, халқ эъзозига ва юксак бахтга сазовор бўлган. Инсонларга хурматни, меҳр-оқибат, сабр-қаноат ва бурчга садоқат каби сифат фазилятларини ўзида пайдо қилишда ибрат-намуна бўла олган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаётини панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўғитлари ҳар бирининг мазмун ва маъноси кенглиги, мантиқининг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосида қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади ва уларни шу хазина, одоб-ахлоққа оид дастур деб биламиз. Унинг ушбу сифатлари, қарашлари ёшларни халқини севишга, унга фидоий, содиқ билишга ўз халқига хизмат қилишга чорлайди. Шунингдек, ёшларимиз қалбида юксак инсонпарварлик туйғуларини уйғотади. Бундай сифатлар ёшларни бир-бирига бўлган муносабатларини фақат яхшилик билан бўлишликни таъминлайди. Амир Темурнинг бой мероси, теран фикри келажак авлод тарбиясида уларнинг дунёқарашини кенгайтириб, ақлий

тарбия беришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий қадриятларни бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар онги ва қалбига сингдириш орқали уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришни амалга оширишнинг самарали йўлларида бири қўлга киритилади. Ушбу йўналишдаги илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва мазкур соҳадаги олиб борган илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар онгига илмий қадриятларни сингдиришни қуйидаги кетма-кетлик асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар экан:

- қадрий асос (илмий қадриятларнинг намоён бўлиши омиллари);
- қадрий онг (илмий қадриятларни пайдо қилувчи асослар);
- қадрий натижа (натижавий илмий қадриятлар);
- қадрий баҳо (илмий қадриятларнинг жамият тараққиёти ва ёшлар таълим-тарбиясига таъсири);
- хулоса (шахс маънавий ва илмий дунёқарашини шаклландириш бўйича);
- башорат (шахс илмий дунёқарашини юксалиши бўйича);
- амалий фаолиятга фойдаланишга тавсия [12,

Юқорида қайд этилган Соҳибқирон Амир Темурларнинг бой мероси талаба-ёшларимизга таълим-тарбия беришда мустаҳкам маънавий асос бўлади. Улар орқали ёшларнинг дунёқарашини мунтазам равишда кенгайтириб боради ва табиийки булар уларнинг ақлий тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўтмишимиздан бу борадаги бой илмий-маънавий меросимизни хоҳлаганча топиш мумкин.



Албатта ёшларга бериладиган ақлий тарбиянинг асосини улардаги шакланган ақл ташкил этади.

Ақлнинг энг муҳим сифатлари: фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги, тезлиги, эркин ва мустақамлиги. Булар асосида нарса ва ҳодисаларнинг рўй бериш ва ривожланиш ҳолатларини, яъни алоқа-муносабатларини илғаш ва қонуниятларни очиш имконияти яратилади.

Демак, умуминсоний ва илмий қадриятлардан аввало фан ва таълим тараққиётида, кишилар турмуш шароитини яхшилашда, оила камолига эришишда, жамоа манфаатларини юксакликка кўтаришда, жамият тараққиёти савиясини тезлаштиришда ва давлатнинг иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий қудратини юксалтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади

Демак, ҳар қандай ақли расо одам ана шундай донолик ва донишмандликка

интилиб яшамоғи лозим. Жараёндаги асосий босқич қуйидагича олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади: керакли ва етарли билимларни эгаллаган одамлар (бўлажак мутахассислар), ўз билимларини бошқаларга ўргатишдан ташқари, ўзлари ҳам уларни ўз ҳаёти фаолиятида қўлай билишлари лозим; эгаллаган билим, қўникма ва малакаларидан ўз касбий фаолиятларида самарали фойдаланишлари зарур; ўз касбига мос илғор назарияларни амалиётга боғлашни (жорий этишни) уддалашлари керак ва улар асосида ҳаёт машаққатларини енгилаштиришга эришмоғи лозим.

Яъни етук инсон нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам мунтазам равишда тарбиялаб боради. Бу эса инсон умрининг охиригача ўрганади, деган нақлнинг ҳаётийлигин таъминлайди.

References:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. – 3. ж. – 704 б.
 2. Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 476 б.
- Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002. – 720 б.